



ТОШКЕНТ ХАЖИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 168 (8908). ● 30 август, 1986 йил ● ШАНБА ● Баҳоси 3 тийин

ТАЪЛИМ-ТАРБИЯГА ЯНГИЧА ЁНДОШАЙЛИК

ИККИ кундан сўнг барча олий ўқув юртимизда, мактабларимизда, техникумларда, ҳунар-техника билим даргоҳларида янги ўқув йили бошланади. 1 сентябрий алоҳида тайёргарлик билан кутиб олиш аъёнага айланган.

Областимиз ва Тошкент шаҳридаги ҳамма олий ўқув юртлири, мактаблар, бошқа билим ўқувлари янги ўқув йилига янги-ча талаблар асосида тайёргарлик кўрдилар. Мактабларини янги ўқув йилига тайёрлаш мунсабатини билан катта ташкилий ишлар олиб борилди. Олмалиқ, Бекобод, Янгибод, Нарманов шаҳарларида, Оққўрғон, Паркент, Урта Чирчик районларида мактаблар ремонтини барвақт тугалланди. Янги мактаблар, мактабга-ча ва мактабдан ташқари муассасалар қуриш, мавжудларини соғлаш, жиҳозлаш, қўшимча синф тоналари барпо этиш масалаларида педагогик коллективларга кенг жамоатчилик, оталиқ ташкилотлар, колхоз ва совхозлар амалий ёрдам берди.

Янги ўқув йилида областимизда 810 та мактаб, 956 та мактабга-ча болалар муассасаси ишлайди. Бу йилининг ўзига 120 та янги ўқув комбинати, 60 та устакхона, 12 та спорт комплекси фойдаланишига топширилди.

Олий ўқув юртлири, мактаблар, техникумлар, ҳунар-техника билим юртлири коллективлари ўз олдларидан турган янги масъулиятни вазибаларини бажаришнинг режаларини ишлаб чиқди. КПСС XXVII съезди, партия ва ҳукуматимизнинг олий ва ўрта махсус ўқув юртлири фаолиятини қайта қуриш, илмий тадқиқотлар самарадорлигини ошириш, мутахассис кадрлар тайёрлаш сифатини кескин яхшилашга таалуқли муҳим ҳужжатларда қайд этилган вазибаларини тўла-тўқис бажариш даврий-лигининг энг долзарб масалаларидан бири сифатида олий ўқув юртлири, техникумлар, ҳунар-техника билим юртлири ва ўмумий таълим мактабларини олдиға катта вазибалар қўймоқда.

Фан-техника революциясини биринчи ўринға қўйлаётган ҳо-зирги пайтда олий ўқув юртлири ва илмий-текшириш институт-лардаги ишлар кўпаланиб ортиш табиийдир. Илмий-тадқиқот ишларидаги ўзгаришлар назарий ва мазмун жиҳатидан ўмумий таълим мактаблари ва олий ўқув юртлири эҳтиёжларига кўпроқ мос бўлмоғи лозим. Жорий этилаётган «Информатика ва ҳи-собаш техникаси асослари», «Оилавий ҳаётнинг этика ва пси-хологикси» каби янги предметлар, ўқув жараёнининг техноло-гик ишлаб чиқариш процесслари билан ўзвий боғлиқлиги, мак-таб ишлатилишининг кўпгина бандлари худди шундай қилишни та-қозо этади.

Маълумки, мактаб — мамлакатимизнинг иқтисодий ва социал ривожлантиришини жадаллаштиришдаги муҳим омидир. Би-роқ, гарчанд мактаб ишлатилишини учинчи йили кетаётган бўлса ҳам Ассий йўналишларда белгиланган вазибаларини бажариш юзасидан салмоқли ишлар қилинганча йўқ. Халқ маорифи, мактаблар фаолияти ва таълим-тарбия ишларини ташкил этиш-да йирик ўзгаришлар бўлмаётди. Ўқувчиларнинг билим олиш-ларини яхшилаш, мактабларини зарур жиҳозлар билан тўла таъ-минлаш, талабаларини меҳнат ва мустақил ҳаётга тайёрлашда сифат силкишларни сезилмаётди. Педагогик коллективларнинг иш услублари ва методлари кўпгина жойларда эскирилганча қол-моқда.

Бундай ва шунга ўхшаш камчилик ва нуқсонлар бир неча кун давомида этил ўқитувчиларнинг Август кенгашларида кўрсатиб ўтилди. Сўзга чиққан партия, совет ходимлари, педагоглар, жамоатчилик вакиллари халқ маорифи органлари фаолияти-да жузда катта хатоларға йўл қўйлаётганлигини алоҳида таъ-кидлади. Ўқитувчилар базаси ўз устларига ишларини ўнатиб қўймоқдалар. Талабаларнинг пухта билим олишлари ҳақида жон кўнжирилмайд. Пастки синфларда ўқитиш ва таълим-тарбия бе-риш савияси паст. Кўргазмалар кўроллар етарли эмас. Парта-лар, ўқув дарсликлари ўз вақтида етказиб берилмайд. Меҳ-нат таълимин ҳақиқатда гаплар фақат қозғоғдагина силкиб бўлиб кўриномқда.

Локалийлик, сансалорлик, бюрократизм, формализм, жон кўн-жирмаслик, масъулиятсизлик каби иллатлар ҳақон «жон сақ-лаб» келмоқда. Масалан, Бўстонлик районидаги 4, 6, 9, 11, 13, 39, 44-мактабларда лаборатория ва амалий ишларнинг қонқар-сиз эканлиги, Бўна районидаги 10, 17, 18, 19, 22, 33-мактаблар-да акрини ўқитувчилар савиясининг пастлиги, Калинин райони-даги 16, 26, 27-мактабларда ўқувчиларини ҳунар-техника билим юртлирига тайёрлашға эътибор берилмаётганлиги фикримиз-нинг далилидир. Бундай мисолларини областимизнинг бошқа ша-ҳар ва районларидаги мактаблардан ҳам келтириш мумкин.

1986—1987 ўқув йили мактабларининг сифат сари юришда катта бурилиш йили бўлмоғи лозим. Ишлатил қўрсатмаларини барча йўналишлар бўйича тезкорлик билан тўла-тўқис бажариш билангина катта ўзгаришлар қилиш мумкин. Бу—ўқитувчилар, ўқувчилар, ота-оналар, партия, совет ташкилотлари, мактаблар-ни оталиққа олган корхона ва ҳўжаларнинг, қоласега жамоат-чилик бир мақсад йўлида аҳилик, уюшқоқлик билан ҳаракат қилмоқлари керак, демекдир. Бу — таълим-тарбиянинг диалек-тик бирлигига эришмоқ коммунистик тарбияға комплекс ёндаш-моқ демекдир. Ва нисбат бу — халқ маорифи органлари, пар-тия, совет, касаба союз, комсомол ташкилотлари мактаблар-тараққийига замонавий талаблар нўқтан назардан қарашла-ри, аклий ва жисмоний тарбиянинг ўғунлигига эришишлари, келажак кишисини балогатға етказиш учун таълим-тарбиянинг барча шакл ва услублардан фойдаланиш лозим демек-дир.

Мактабларда фойдаланилмай ётган резерв ва ҳар бир имко-иятини ишға солиш, аниқланган камчиликларини тезроқ барта-раф этиш йўлларини топиш, танқид ва ўз-ўзини танқид муҳити-ни қарор топтириш, илгор тажрибаларини кенг ёйиш, ўзбўлар-чилик ва хотирмалик каифиятларига барҳам бериш вақти кел-ди. Бу ишларда кўпчиликка педагог-коммунистлар, тажрибали ўқитувчилар, мактабларнинг бошланғич партия ташкилотлари етакчилиқ қилишлари, ташаббус қўрсатишлари, астойдил жон койитиб ишлашлари лозим. Ўз тажрибаси, ташаббускорлиги ва ишчанлиги билан элга танилган, обрў-эътибор топан муаллим-лар, тарбиячилар областимизда оз эмас. Республикда хизмат қўрсатган ўқитувчилар — Э. Бўронов, Д. Хусаметдинова, М. Ра-ҳимбердиев, Б. Г. Штепел, В. И. Алфёрова каби ишчан педа-гоглардан ўрнат олса эрзийди. Уларнинг тажрибалари, дарс олиб боришдаги ўзига хош услублари, сифдан ташқаридаги ишларни йўлга қўйиш методларини кенг омаллаштириш керак.

Бу йил бошланғич синфлар ўзига алоҳида эътибор талаб қи-лади. Чунки болаларин олти ёшдан ўқитишдан масъулиятли ва лозим ишға қўл ўрмолмоқда. Областимиз бўйича бу йил 10 минг олти ишчи фарзандларимиз мактабға қатнай бошлайди. Уларни мактаб ҳаётиға тезроқ ўргатиш ва қизиқтарти бишли, алоҳида ғамхўрлик қўрсатиш, зарур шарт-шароитларни яратиб беришда болаларнинг табиятини яхши биладиган тажрибали ўқитувчи-лардан кўпроқ фойдаланайлик. Аюкиб педагог К. Д. Ушински айтганидек «Ишонин ҳамма жиҳатдан тарбияламоқ учун унинг ҳамма жиҳатларини билимоқ лозим».

Педагогика — бу санъат, ижод. Лекин у, энг аввало, фандир. Шу босдан ҳам бу соҳа мутахасссларнинг муқаддас бурчи — янги ўқув йилида барча студентларини, ўмумий таълим мак-таблари талабаларини марксизм-ленинизм гоилари, юктимоний—тараққийот қонунларини, масъулиятни ҳис қила бишли руҳда тарбиялашдан иборатдир. Ер ишқолларда ижодий тафаккурни, ташаббускорлигини шакллантириб бориш тўғрисида ҳар бир пе-дагог ҳамма йўлғамго даркор. Илм-фан ва халқ маорифи муаммоларини омиликорлик билан ҳал қилиш, ишда юксак са-марадорлик ва сифатға эришиш ҳар бир халқ зинбеласдан билимдолигини, ишбилармонлигини, принципаини талаб этади. Келажак авлодин тарбиялашдек буюк ишға дахлдор ҳар бир киши бутун қўл ва макониятини КПСС XXVII съезди қарорла-ри, партия ва ҳукуматимизнинг олий ўқув юртлири ва мактаб-лар ишлатилишға таалуқли қўрсатмаларини муваффақиятли бажаришға сафарбар этмоғи керак.

1 СЕНТЯБРЬ—БИЛИМЛАР КУНИ

(Газетанинг 3-саҳифасида Янги ўқув йили бошланғичи-ға бағишланган материаллар билан танишасиз).

ВАТАН МУКОФОТЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

28 август кўни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумида республика агро-санат комплекси ходимла-рининг катта бир гуруҳи-сига СССР орден ва медалла-ри топширилди.

Социалистик Меҳнат Қа-ҳрамони, Хоразм область Гурлан районидидаги «Комму-низм» колхозининг бригади-ри А. Маткаримовға Ленин ордени билан «Эроқ ва Бол-ға» Олтин Юлдузи топширил-ди. У ишлаб чиқаришдаги жузда катта ютуқлари, киш-лоқ ҳўжалик махсуслотлари етиштириш ҳамда давлатға сотишни кўпайтириш юзаси-дан белгиланган ўн биринчи беш йиллик топшириқларини ва олган социалистик маж-буриятларини мўддатидан алғари бажарганлиги ҳамда шавкатли меҳнати учун шу мукофотлар билан тақдир-ланган эди.

Ўн биринчи беш йиллик топшириқларини ва соца-

листик мажбуриятларини бажаришда эришган муваффа-қиятлари учун Тошкент об-ластиди Тошкент районидидаги «Тошкент» совхозининг бу-зоққонари Б. Абдурахимов, Фарғона область Ленинград районидидаги Енгельс номи-ли колхоз бригадири А. Жўра-хўжаев, Жиззах область Фори-ш районидидаги Ильич номи-ли совхоз директори А. Еримбетов, Қорақалпоғистон АССР Хўжайли районидидаги «Тошкент» совхозининг бри-гадири О. Жумабеков, Анди-жон область Москва райони-даги «Победа» колхозининг бригадири Н. Иномов, Са-марқанд область Каттакўр-гон районидидаги Тельман номи колхоз механизатори

Р. С. Қазомов, Сурхондарь область Ангор районидидаги Калинин номи колхоз аъзо-си Х. А. Маратова, Наман-ган область Чортоқ райони-даги Навоий номи колхоз бригадири Н. Норматова, Тошкент область Янгийўл районидидаги «Коммунизм» колхозининг звено бошлиғи Т. Нурматов, Фарғона об-ласт Ўзбекистон райониди-даги Гафур Гулом номи кол-хоз механизатори В. Умузо-қов, Наманган область Ўй-чи районидидаги «Ленинчи йўл» колхозининг механизатори И. Фахриддинов, Сурхондарь область Шеро-бод районидидаги «Шеробод» совхозининг бригадири Ж.

Шодиев Ленин ордениға са-завор бўлдилар.

Жиззах область Октябрь районидидаги «Уч қаҳрамон» совхозининг бригадири Р. Абдиев, Хоразм область Ур-ганч районидидаги «Пахта-кор» колхозининг аъзоси Л. Отажонов, Самарқанд об-ласт Иштихон районидидаги «Янгитент» совхозининг пи-лачиси С. Сафарова, Қора-қалпоғистон АССР Амударь районидидаги «Партия XXII съезди» колхозининг раис-и Т. Шерзонов, Сурхондарь область Термиз районидидаги Иднов номи колхоз аъзо-си Р. Юсуфов, Октябрь Ре-волюцияси ордени билан мукофотландилар.

Ўқувчиларға таълим ва

коммунистик тарбия бериш-даги алоҳида хизматлари учун Урганч шаҳридаги 94-интернат мактабнинг директори М. Ёқубовға СССР Олий Совети Прези-дидумининг Фахрий ёрлиғи, «СССР халқ ўқитувчиси» фахрий унвони берилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ва тетишли кўнрак нишонни топширилди.

Юксак давлат мукофот-ларини Ўзбекистон Компар-тияси Марказий Комитети-нинг биринчи секретари, СССР Олий Совети Прези-дидумининг аъзоси И. Б. Усмонхўжаев топширди.

Мукофотларни топшириш маросимида Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми-нинг Раиси О. У. Салимов, Ўзбекистон ССР Олий Со-вети Президиуми Раисини-нг ўринбосари А. П. Ро-мановский қатнашдилар.

(ЎЗАТА).

ИЛГОРЛАРГА БАЙРОҚЛАР

ТОШКЕНТ область партия комитети, область ижроня коми-тетини, область касаба соиз-лари Совети ва область ком-сомол комитетий районлар, совхозлар, колхозлар ўртесида озуқа тайёрлаш бўйича ўткази-лаётган социалистик мусобақа-нинг 1986 йил 16 августдаги бўлган якуларини кўриб чиқ-дилар.

Область партия комитети, область ижроня комитети, область касаба соизлари Со-вети ва область комсомол ко-митетининг кўмақи Кизил бай-роқларни қўйадиғиларға берил-ди.

Коммунистик районига — бу районида дағал озуқа тайёрлаш йиллик плани 48,8 процент, шу жумладан пичан 70,7 процент, ўт уни ишлаб чиқариш 25,8 процент бажарилган. Жа-ми 55,7 процент озуқа бирли-ги микдориде дағал ва ширели озуқа тайёрланган. 72 про-цент микдориде ситос бости-рилган ва 15 кунда озуқа бир-лигига айлантйриб ҳисоблаган. да 21,6 процент ўсиш таъмин-ланган.

Байроқ Урта Чирчик райони-дан олиб берилди.

Калинин районидидаги «Бў-зсув» совхозига — бу совхозда дағал озуқа тайёрлаш йиллик плани 80,4 процент, шу жу-младан пичан 67,9 процент ба-жарилган. Жами 54,1 процент озуқа бирлиги микдориде да-ғал ва ширели озуқа тайёр-ланган. 18,3 процент микдори-да ситос бостирилган ва 15 кунда озуқа бирлигига айлан-тириб ҳисоблаганда 18,5 про-цент ўсиш таъминланган.

Байроқ Чиноз районидидаги «Чиноз» наслчилик совхоз-те-хникумидан олиб берилди.

Коммунистик районидидаги Свердлов номи колхозға — бу колхозда дағал озуқа тай-ёрлаш йиллик плани 58 про-цент, шу жумладан пичан 84 процент бажарилган. Жами 86 процент озуқа бирлиги мик-дориде дағал ва ширели озу-қа тайёрланган. 125,5 процент микдориде ситос бостирилган ва 15 кунда озуқа бирлигига айлантйриб ҳисоблаганда 54,6 процент ўсиш таъминланган.

Байроқ Бўна районидидаги «Ле-нинизм» колхозидан олиб бе-рилди.

Оржоникидзе, Урта Чирчик районларида, Охангарон райо-нидаги «Алақудук» ва Кали-нин районидидаги «Хасков» со-вхозларида, Урта Чирчик райо-нидаги Охунбобоев номи кол-хозларида дағал ва ширели озуқа жағаришда яхши иш-лар қилинганлиги қайд этилди.

ФОТОРЕПОРТАЖ



◆ 9-ШАХТА қончилари аъёнавий касб байрамлари-ни катта меҳнат зафарлари билан кутиб олмоқдалар. Шахтёрлар белгиланган муддатдан беш кун илгари сак-киз ойлик топшириқни муваффақиятли бажардилар. Қўла-б бригадалар касб байрами шарафига тизмаларига олган мажбуриятларини тўла адо этдилар. Тиллаҳўжа Қўрбонов, Иззатилла Раҳмонов, Александр Романюк, Абдурахмон Маматовлар байрамолди мусобақасининг ол-динги сафларида боришмоқда. Суратларда: Т. Қўрбонов етакчилигидаги пешқадам бригада аъзолари: 9-шахтанинг ветеран ишчиси 44 йиллик шахтёр, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Турғун Ҳасанов; «Средазуголь» ишлаб чиқари-ш бирлашмасининг Ангрендаги «Горняк» санаторий-профилакторийсининг ўмумий кўриниши.

А. Зуфаров фотолари.

ШАВКАТЛИ МЕҲНАТЛАРИ УЧУН

29 август кўни Ўзбекистон ССР халқ ҳўжалини ютуқ-лари виставасида қишлоқ ҳўжалик ишлаб чиқаришининг илгорлари ва новаторларидан бир гуруҳи-сига—1985 йил якуларини юзасидан социали-стик мусобақа ғолибларига республика бощ виставасининг мукофотлари топширил-ди. Республиканизмдаги бир гуруҳпа илгорлар қатори Чиноз районидида «Ўзбекистон ССР 30 йиллиги» колхоз-и пахтачилик бригадасининг бошлиғи Ф. Сефершове фахрий дипломға сазовор бўлди. Унга енгил автомобил кели-ти ҳам топширилди. Қишлоқ ҳўжалик ишлаб чиқариши илгорларининг бир гуруҳи-сига фахрий диплом ва мотоцикл-лар билан мукофотланди.

Мукофотланганлар бундан буюн ҳам бутун куч-гайрати-мизни қишлоқ ҳўжалик иш-лаб чиқариши самарадорли-гини оширишға, уни интен-сив тараққийот йўлиға ўтка-зишға сарфлаймиз. КПСС XXVII съездининг қарорлари-ни шараф билан бажарамиз, деб ваъда бердилар.

(ЎЗАТА).

ПЛАН БАЖАРИЛДИ

КОММУНИСТИК райониди-да Охунбобоев номи совхоз-да бу йил тарвуздан мўл хо-сил етиштирилди. Поличилар ҳосилини йиғиштириб олиш ва давлатға топширишнинг уюшқо-қли билан ўтказдилар. Ҳозир-гача қабул пунктларига 500 тонна махсусот етказиб берил-ган, план ортинги билан бажарилди.

Совхозини О. Жўрабеве, М. Мисирбиров ўроқлар бош-лиқ бригада ва звенолари, ай-ниқса, юкори кўрсаткичларға эришдилар.

Совхоз деҳқонларини ўз им-кониятирини ҳисоблаб чиқиб, давлатға яна 150 тонна тар-вуз топширишға аҳд қилди-лар.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

амалға ошириш юзасидан қўшимча қонкрет чораларни амалға ошириш, Ўзбекистон ССРнинг 1986 йили иқти-солий ва социал ривожла-ниш давлат плани ва давлат бюджетининг бажарилиши учун заларига бўйсунувчи органларға нисбатан талаб-чанлигини ошириш вазибаси-ни юқлади. Саловчилар нақазларини бажариш юзаси-дан ташкилотчилик ишла-рини кучайтириш, бу нақаз-лар қандай амалға оширила-ётганлиги тўғрисида депу-татларни муттасил хабардор қилиб туриш зарур деб то-пилиди.

Сирдарё ҳавзасида Ўзе-бекистон ССР табиятини муҳо-фаза қилиш қонунларининг талаблари қандай бажари-лаётганлиги тўғрисидаги ма-сала кўриб чиқилди. Пре-зидиум Андижон, Жиззах, Наманган, Сирдарё, Фарго-на, Тошкент областлари халқ депутатлари Советла-рининг бу борадаги фаоли-ятини қоникорсиз деб топти.

Хукуқ-тартибот муттасил бўлаётганлиги келтириб чиқарган жиддий хавф-ха-тарға советлар, министрлик-лар ва идоралар муносиб

баҳо бермаётганликлари на-тижасида Сирдарё гидроло-гик режими издан чиқиб, унинг ҳавзасидаги ўсимлик-лар анча айтанганлиги, ҳай-ванот дунёси қашшоқлашиб бораётганлиги айтилди. Бу-ларнинг ҳаммаси улкан ре-гиондаги ҳаёт негиз бўли-ши дарё ҳўзининг катта иқ-тисодий, ҳўжалик, рекреаци-он аҳамиятини йўқотиши-ни реал хавфини вужудға кел-тирди. Сирдарё ҳавзасида бундай чидаб бўлмайдиган вазият вужудға келишининг сабаби шунки, ушбу регион-да жойлашган областлар халқ депутатлари Советлари табиятини муҳофаза қилиш-тириг етилган проблемалари-ни ҳал этишдан аслида ўз-ларини четта олмоқдалар, экологик системаларға қо-нунға хилоф гавишда иқтисодий ва маънавий жиҳатдан оқлаб бўлмайдиган даражада арала-луви пайини киркимапти-лар, ҳуқуқини муҳофаза қи-луви органлар, табиятини муҳофаза қилиш хизматла-ри, депутат гуруҳларининг қонунчилик режимиини му-стаҳкамлаш борасидаги фао-лиятларини тузуқ мувофиқ

лаштирмаптилар, табийи ресурслардан тежаб-тергаб фойдаланиш учун ҳўжалик раҳбарлари, бошқа мансаб-дор кишиларнинг масъули-ятини оширмаптилар.

Президиум халқ депутат-лари Советларига дарё ҳав-засида экологик мувозанат-ни тиклаш юзасидан бир қанча амалий чоралар қу-ришни топширди. Ўзбеки-стон ССР Министрлар Со-ветига, республика министр-ликлари ва идораларига кон-крет топшириқлар берилди. Тегишли совет ва ҳуқуқини муҳофаза этиш органларига табиятини муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунларини қў-пол равнишда бузганлиги учун айбдор бўлган мансабдор кишиларни жавобгарликка тортиш тақлиф қилинди.

Президиум Хоразм обла-сти халқ депутатлари Совет-ларининг ўз территориясини-да социал-иқтисодий тараққи-ятини жадаллаштириш вази-баларини ҳал этишда РСФСР Чита области билан ҳар томонлама алоқаларини ривожлантириш борасидаги иш тажрибаларини маъқула-лади. Ички область ўртесида

шартномалар асосида ўзаро манфаатли ва узок мўддат-ли негизда бевосита ҳар то-монлама алоқалар ривожла-ниш бормоқда ва бунга шаҳар, район ташкилотлари, корхо-налар ва ҳўжаликлар жалб этилган.

Ўшбу масала юзасидан қабул қилинган қарорда рес-публика маҳаллий Советла-рини Россия Федерацияси-нинг территорияларини бил-лан ягона халқ ҳўжалик комплекси доирасида ҳар бир областнинг моддий ва маънавий потенциалини ў-заро консалтириш боришини, Советлар ўртесида, шунинг-дек бевосита корхоналар би-лан ташкилотлар ўртесида гузилган шартномалар асо-сида меҳнат ресурслари, та-бийи ресурслар ва бошқа ресурслардан самарали фой-даланишға қаратилган ҳар томонлама ва узок мўддат-ли алоқаларни йўлга қўйиш-нинг янада таъсирли чора-тадбирларини амалға оши-риш тақлиф этилди.

Мажлисида республика давлат ҳаётининг бошқа масалалари кўриб чиқилди ва улар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

● ЛИССАВОН. «Кон-ларини» — Ениб қўйилишға йўл қўймаймиз». «Нон ва ин бери!» — деган шiori-лар остида — мамлакатнинг турли томонларидан хотин-лари ва болалар билан бир-галикда етиб келган шахтёр-лар Португалия пойтахти-нинг марказий қўчаларидан ўтдилар. Бу намоий каса-ба соизларининг даъватига мувофиқ ҳўкумат бир қанча шахтёрларни ёниб қўйишни пиллаштириётганлиги қар-ши норозилик белгиси сифа-тида ўтказилди.

(ТАСС).



ҚИШЛОҚ ОҚШОМЛАРИНИНГ ФАЙЗИ ЎЗГАЧА

Қишлоқ оқшомларининг фойдаланилганда



ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХ ВА
МАДАНИЙ ЕДГОРЛИК-
ЛАРИНИ САҚЛАШ
ЖАМИАТИ ОБЛАСТЬ
СОВЕТИДА

НЕГА ШУНДАЙ ДЕБ АТАЙДИЛАР?

ТОШКЕНТ области территориясида жуда кўп тарихий обидалар бор. Уларнинг яратилиш тарихи, тақдир кўчилиги қизиқариш табиий. Шунинг учун ҳам биз газетхонларга ана шу тарихий бинолар, шаҳарлар ҳақида материаллар бериб боришни лозим тойдик.

ҚОНҚА. — Оққўрғон райони территориясида топиладиган бу шаҳарда эраизмдан олдинги биринчи асрдан то XIII аср бошларигача ҳаёт қайнаган. Манбаларнинг кўрсатишича, Қонқа шаҳри Тошкент воҳасидаги энг катта шаҳарлардан бири бўлган. Олимлар, мутахассислар ва ўлкашунослар айни кунларда ҳам бу ерда иш олиб боришмоқда. Оққўрғон район партия комитети ва район ижроия комитети бу тарихий жойни муҳофаза қилиш зонаси сифатида 180 гектар ер ажратди.

ШОХРУХИЯ — Бу тарихий шаҳар ҳам Оққўрғон райони территориясида жойлашган. Бу тарихий жой билан боғлиқ ишлар 1876 йилда бошланган эди. Шаҳарнинг асосий қисми Шараф султоннинг қўлайиши оқибатида қийилб кетган. Ленин шаҳарининг шарқий қисми ҳозиргача сақланиб қолган. Шаҳр алломаларининг ёзишларида бу шаҳар Темирнинг ўғли Шохруҳ шаҳарига Шохруҳия деб аталган.

Айни кунларда бу ерларда кент қўлмада ўрганиш ишлари олиб боришмоқда.

ҚУЛБУЛОҚ — У Ангрен шаҳри ва Оҳангарон райони ўртасида ва Қизиллолма-сойининг қуйи қисмида жойлашган. Бу тарихий тепалик 1963 йилдан буён ўрганилмоқда. Бу ерда қўлбулоқ излар топилади. Турли хил уй-рўзгор буюмлари, бошқа жиҳозлар чикиди. Қўлбулоқ тепалиги ўлкашунининг энг қимматли тарихий ёдгорликларидан биридир.

З. ЕШМУРЗАЕВА.

ДАМ ОЛИШ СОАТЛАРИДА

УЙ БЕКАЛАРИГА МАСЛАХАТЛАР

Холодильникдан фойдаланилганда

БУНДАЙ қараганда уй холодильникидан фойдаланиш ҳаммага беш кўндек маълум. Оддий ишдек туюлади. Аслида ундай эмас. Айрим тартиб-қондалар борки, унга, албатта, риоя қилиш шарт.

◆ Аввало холодильникга ҳаддан ташқари кўп нарсани тиқштириб ташлаш яраммайди. Акс ҳолда совуқ ҳаво яхши айланмай қолади.

◆ Озиқ-овқат маҳсулотларини уй ҳарорати даражасида совиқлатишга холодильникга қўйманг. Ҳар хил консерваларни ҳам очиқ ҳолда сақлаб бўлмайди. Балки, тузланган боднинг, помидор сингари ўткир идишли маҳсулотларни, албатта, полиэтилен пленкаларга жойлаб, сут маҳсулотларидан нарироқда сақлаган маъқул.

◆ Ёштни, албатта, со-



ХАР ҚИШЛОҚНИНГ
ЎЗ ГЎЛЗОРИ БОР...

ХАЛҚ МАҚОЛЛАРИ

◆ Суз боши калом,
Иш боши интизом.
◆ Бир дона дон — бир бутун нон.
◆ Ишнинг қўзини, ерининг тилик билган ютади.
◆ Ерни қадрлагани эл қадрлайди.
◆ Эр ерни, тер элни яшнатади.
◆ Тер тўқканга ер тўкади.

◆ Боғ камолоти — боғ-бон ҳимматида,
Ер яшнаши — деҳқон саховатида.
◆ Яйлов мол билан кўркам.
◆ Бедов бойловда семиради,
Қўй яйловда семиради.
◆ Саҳар турганининг ранжи кўп.
Кеч турганининг ранжи кўп.
◆ Ишнинг қолса эртага,
Чипқон чиқар елкангга.

КУЛГУ ДАРҒАЛАРИ БИСОТИДАН

Юсуфжон қизик ёшлигидан масхарабозларга шоғирд бўлиб, уйдан кетиб қолган экан. Кейинроқ Худоберхон саройидаги қизиклардан бири Саъди Махсим уни ўз тарбиясига олади. Кунларнинг бирида амалдорлар, беклар, уламолар, руҳонийлар ифторга йиғилгандир. Устоз Юсуфжоннинг қўлига обдаста ва дастўйни бериб шундай деди:

— Обдастага илиқроқ суз қўйиб, қўлга қўясан, энг аввало турда ўтирган мингбошига бор. Агар «барвақалло» деса, сен «таъзимдамиз» дейсан. Агар «Саломат бўл» деса «Узлар ҳам саломат бўлишлар», дейсан. Хуллас, оғиздан чиққан сузга қараб, жавоб қайтаргин, ўшайиб индамай турсанг уят бўлади...

СИЗНИНГ ТОМОРҚА Хўжалигингизга СОВУҚ ТУШГУНГА ҚАДАР...

МАЪЛУМКИ, ҳозир ҳамма шахсий хўжаликларда бошқа қатори помидор, болгар қалампир, бақлажон сингари сабзавотлар гарқ ишган пайт. Лекин айрим кишилар бу экинлар ҳосилини икки-уч бор йиғиштириб олгач, ундан сўнг яхши қарамай қўйишади.

Бу нотўғри, албатта. Агарда бу экинлар палагининг то совуқ тушгунга қадар олиш зарур. Кавлаб олинган пиллар банди билан ҳовлига ёйлади ва қўриқтилади.

Сақлангандан пиллар банди билан икки-уч килограмдан чамаси боғлиниб, шамол тегиб турайдиган маҳсул хоналарга, подвалларга осиб қўйилади. Банди пилларни яншиқларда сақлаш тавсия этилади. Хона ҳарорати 1—3 даража иссиқ ва намлиги эса 75—80 процентдан кам бўлмаслиги керак.

С. МАҲКАМОВ,
қишлоқ хўжалик фанлари кандидати.

Юсуфжон қизик обдастага қайнаб турган суви қўйиб, мингбошининг олдида борди: суви қўйиб биланок мингбоши «Ух-ух, ҳе, жувономар бўл-е, жувономар бўл», деди. Юсуфжон қизик ҳам ҳозир жавоблик билан «Узлариям жувономар бўлсинлар» дея тавозе билан хонадан чиқиб кетди.

ТАБИАТ МЎҶИЗАЛАРИ ҒАЛАТИ ДАРАХТЛАР ҲАҚИДА


«МЕНГА СУВ БЕРИНГ» АВСТРАЛИЯЛИК олим Джон Милборн ўсимликларнинг ғалати хусусиятларини аниқлади. У дарахт шохига сезгир микрофон ўрнатиб, ундан чиқаётган товушни ёзиб олди. Маълум бўлишича дарахт чанқоқан пайтида ўзига хос интирилаган товуш чиқарар экан. Олимнинг айтишича, бу пайтда унинг тана-насидаги қилиларлар сув-сузликдан қисила бошлайди. Шунда тебраниш билан боғлиқ бўлган «гуд» менга сув беринг» дегандек товуш чиқаркан.

ШУ ҚИТЪАНИНГ ЎРМОН-зорларида ажойиб бир дарахт ўсади. Унинг тана қўриқини ҳам ўзгача: қўза ёки бутилкага ўхшайди. Ўрмон номи билан қўриқини бу дарахт айни ёғингарчилик пайтларида роса тўйиб, сув ичиб, бундан ташқари ға тана-насида қўйлаб суви ҳам йиғиб олади. Қўриқчилик пайтида эса ана шу тўплаган сувдан аста-секин фойдаланади.

«ТЕГМАНОВИК» ЎРМОНЛАРДА сариқ гулли дарахт учрайди. Унинг гранатага ўхшаш ҳосилига қўл тегсангиз бирдан портлаб кетади. Натижада ўрғунлари атрофга сочилиди. Бу дарахтнинг номи «Тегмановик» ёки «жиззани» деб атайди.

Қимизан дарахти ҳам уруғини ана шу усулда атрофга сочиб қўяди.

Редактор
Н. НАСИМОВ.



Қадрон суқмоқлар. Тулпорлар ўтлоқда. А. Зуфаров, А. Абалон фототўюлари.

«ТОШКЕНТ ХАҚИКАТИ»ГА ОБУНА БЎЛДИНГИЗМИ?

ҲУРМАТЛИ ГАЗЕТХОНЛАР!

Иттифоқимизнинг ҳамма жойлардаги каби республика-мида ҳам 1987 йил учун газет ва журналларга обуна бошланди.

«Тошкент ҳақиқати» газетасига ҳам обуна бўлишни унутманг.

Бунинг учун «Союзпечать» агентликларида ёки иш жойингиздаги, ўқув юрти ва турар-жойингиздаги жамоатчи матбуот тарқатувчиларга мурожаат қилишингиз мумкин. Улар сизни келаси йил матбуоти учун обуна қилиб қўйишди. 1 ноябрдан обуна бўлишларга эса газета 1987 йил февралдан бошлаб етказиб берилади.

Газетанинг ОБУНА БАҲОСИ: 1 йилга—6 сўм 60 тийин.

СПОРТ МЕЗБОНЛАР ҒОЛИБ

КРАСНОГОРСҚ шаҳрида баскетбол бўйича шахтёрлар кўнига бағишланган VII анъанавий турнир якулланди. Унда Свердловск, Южно-Сахалинск, Чирчик, Фрунзе, Чоржуй, Красногорск ҳамда Тошкент шаҳри ўсири ва қизлари иштирок эттишди.

Қизлар ўртасида ётказилган мусобақаларда ўтган йилги турнир ғолиби Тошкентнинг «Буревестник» командаси (тренери С. Лебедев), биринчи ўринни эгаллади. Иккинчи ўринни Тошкентдаги 7.

болалар ва ўсирилар олимпия резерви спорт мактаби вакиллари (тренери А. Миздров), учинчи ўринни эса красногорсклик баскетболчилар (тренери В. Наймушин) қўлга киритишди.

Ўсирилар ўртасида Красногорск шаҳри спортчилари ғолиб чиқди. Бу муваффақиятда команда тренери В. Моисеевнинг ҳиссаси катта.

КОЛХОЗЧИЛАР СТАРТДА

▲ ЯҚИНДА Тошкент районида Охунбобоев номи колхоз стадионида «Хар бир колхозчи спортчи» шiori остида маданий-спорт байрами ўтказилди. Унда югурин, арқон тортиш

шахмат-шашка, минн футбол, стол теннис ҳамда тирда отиш бўйича мусобақалар ўтказилди. Шашка мусобақаларида Келес таъриб-ремонт механика заводи спортчилари пешқадамлик қилишган бўлса, шахматда «Ленин йўли» колхозчи вакиллариининг қўли баланд келди. Собир Раҳимов, Охунбобоев, Навоий номи ҳамда «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» колхозларининг спортчилари ҳам ғазри ўринларни эгалладилар.

Мусобақалар давомида районнинг «Мечта», «Радуга» нокал-чолгу ансамбллари, «Ленин йўли» колхозининг «Алёр» фольклор ансамбли, Охунбобоев номи да «Ўзбекистон 50 йиллиги» колхозларининг бадний ҳаваскорлик коллективлари ижросида куй ва қўшиқлар янгиб турди.

Редактор ўринбосарлари — 335885, 325747, 337916, 325748, масъул секретарь — 334808, 325353; секретариат — 325750, БУЛИМЛАР: хатлар ва оммавий ишлар — 334048, 325354; партия турмуши — 325778; саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 325556; қишлоқ хўжалиги — 325647; пропаганда — 337010, 325749; совет қурилиши — 325733; маданият — 325767; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 325645; тунги навбатчи — 325553; эълонлар бўлими — 325727.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КИНОФИЛЬМЛАР

ПРОКАТИ КОНТОРАСИ
1 СЕНТЯБРДАН 7 СЕНТЯБРГАЧА
ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ШАҲАРЛАРИ
ВА РАЙОНЛАРИДА

«САЛОМ, МАКТАБ!»

мавзунда
ФИЛЬМЛАР ТЕМАТИК НАМОЎНИШНИ
ЎТКАЗАДИ

Қибрай шаҳри, «СОЮЗ» кинотеатрида
2—4 сентябрда — Бизга эркаклар керак.
5—7 сентябрда — Биринчи синф ўқувчиси.
Чирчик шаҳри, «НАВОИЙ» кинотеатрида
1—7 сентябрда — Сиртлашмиш яшанба.
Ғазалкент шаҳри, «БУСТОН» кинотеатрида
1—2 сентябрда — Чўнтақдаги қўёш.
3—4 сентябрда — Бизга эркаклар керак.
5—7 сентябрда — Африкадан совға (мультифильм).
Келес шаҳри, «СПУТНИК» кинотеатрида
1—3 сентябрда — Самоделкин космосда (мультифильм).
4—7 сентябрда — Сеним, шоймаш тур!
Чиноз шаҳри, «ВАТАН» кинотеатрида
2—4 сентябрда — Иван Макарович.
5—7 сентябрда — Бор эканда, йўқ экан, биринчи синфда яшашган экан.

Оққўрғон шаҳри, «ЕШЛИК» кинотеатрида
2 сентябрда — Бўриқ буванниқда базм (мультифильм).
3—6 сентябрда — Боцман ва тўтқуш (мультифильм).
7 сентябрда — Масхарабоз ва болалар (мультифильм).
Ангрен шаҳри, «ДРУЖБА» кинотеатрида
1—7 сентябрда — Сиртлашмиш яшанба.
2—4 сентябрда — Эркаклар эркакларда.
5—7 сентябрда — Шаҳарлик қизча.
Олмалиқ шаҳри, «КОСМОС» кинотеатрида
1—2 сентябрда — Мишқа, Серёжа ва мен.
3—4 сентябрда — Пан, Клякса академияси, 1-қисм
«Шаҳзода Матеуш саргузаштлари».
5—7 сентябрда — Пан, Клякса академияси, 2-қисм
«Брадобор Филиппинг сини».

Нариманов шаҳри, «БОКУ» кинотеатрида
2 сентябрда — Иван Макарович.
4 сентябрда — Бор эканда, йўқ экан, биринчи синфда яшашган экан.
6 сентябрда — Гав лақабли мушукча (мультифильм).

Тўйтепа шаҳри, «ВЛКСМ 40 ЙИЛЛИГИ» кинотеатрида
1—2 сентябрда — Ох, бу Настянинг дастидан.
3—4 сентябрда — Сентябр кириб келганда.
5—6 сентябрда — Пионерлар саройидан келган Иванча (мультифильм).

Янгибод шаҳри, «РАДУГА» кинотеатрида
1—3 сентябрда — Одатдаги тонг.
4—7 сентябрда — Алдамчи бир рақами.
Оҳангарон шаҳри, «ВОСХОД» кинотеатрида
1—2 сентябрда — Алдамчи бир рақами.
3—4 сентябрда — Одатдаги тонг.
5—7 сентябрда — Темур ва унинг командаси.

Бекобод шаҳри, «ОКТАБР» кинотеатрида
1—7 сентябрда — Сиртлашмиш яшанба.
2—4 сентябрда — Сентябр кириб келганда.
5—7 сентябрда — Мен сизни орзулашга ўргатаман.
Зафар шаҳри, «НОДИРА» кинотеатрида
1—4 сентябрда — Биз бунн ўтмаганимиз.
5—7 сентябрда — Биринчи синф ўқувчиси.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ХУНАР-ТЕХНИКА ТАЪЛИМИ ДАВЛАТ КОМИТЕТИ 7-ЎРТА ХУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ 1986—87 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Билим юрти қуйидаги ихтисослар бўйича қўшни малакали ишчилар тайёрлайди: қучларни тармоқлари, электросвар, электр газ пайвандловчи, иккиламчи коммуналция закирлари бўйича электромонтажчи, лифтлар ремонтчи бўйича слесарь-монтажчи (малакатимиз ва чет эл ускуналари бўйича), контроль-ўлчов приборлари ва автоматизация ремонтчи бўйича слесарь, кинемеханик (фильмларни текширувчи ишчи бажариш қўбиллиги билан), радио-телевизион аппаратларига хизмат кўрсатиш бўйича радиотелемеханик.

Ўқинш мuddати — 1—2—3 йил. Ўқинш вақти меҳнат стажига қўшилиди.
8—10 синф ҳажмида маълумотли, 15 ва ундан катта ёшдаги йигит ва қизлар қабул қилинади.
8 синф ҳажмида маълумот билан ўқиниш қабул қилинганлар 3 йил ўқийдилар ва тулиқ ўрта маълумот ҳамда малака берилганлиги тўғрисида дипломи олади. 3 маҳал оқват ва кийимбош билан таъминланадилар; 10 синф ҳажмида маълумотли ўқувчиларга ойига 30 сўмдан 76 сўмгача стипендия берилади.

Ишлаб чиқариш практикасида ўташ даврида ўқувчилар ишлаб қўрилган маошининг 50 процентини олади. Совет Армияси сафларидан запасага бўшатилиб, электромонтажчи ихтисоси бўйича ўқиниш кирган йигитлар учун ўқиниш мuddати қисқартirilган — 10 синф ҳажмида маълумот билан 4 ойгача, 8 синф ҳажмида маълумот билан — 10,5 ойгача.

МАШҒУЛОТЛАР — ГРУППАЛАР Тўлишига ҚАРАБ БОШЛАДИ.
Билим юрти битирувчилари техникумлар ва олий ўқув юртиларга ўқинишда иштироклардан фойдаланадилар. Билим юртини аъло баҳолар билан биттирганларга корхоналарда мажбурий ишлаб беришдан озод этилган ҳолда, ўрта ва олий ўқув юртиларида ўқиниш давом эттириш учун йўллана берилади.

Билим юртида яхши спорт базаси мавжуд. 14 секция ишлаб турибди. Техника ижодкорлиги, бадний ҳаваскорлик тўғрисидаги бори.
Аризалар соат 9.00 дан 16.30 гача қабул қилинади. МАШҒУЛОТЛАР — 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.
Ўқиниш кириш учун қуйидаги ҳужжатлар лозим: маълумоти тўғрисида, таржимаи ҳоли, характеристика, билим юрти директори номига ариза, турар жойидан справка, ота-оналарининг иш жойидан справка, медицина справки, 6 дона фотосурат (3х4 см), туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома (распорт), ҳарбий дўхатдан ўтганлиги тўғрисида гувоҳнома (паспорт).

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Фрунзе райони, Ивановлик тўқувчилар кўчаси, 8-уй (2, 3, 33, 34, 40, 45, 51, 57, 58, 70, 79-автомобил 2, 6, 13, 16-троллейбуслар: 4, 7, 9, 24, 28-трамвайларнинг «Туқимачилик комбинати» бекати).

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИ.
ДА — Тошкентда биринчи марта «КОХ» иллюзион шоуси гастроллари (30/VIII да 16, 19.00 да; 31/VIII да 13, 16, 19.00 да).

Театр Цирк

ХАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 30/VIII да Рўб, 31/VIII да Олтин де-вор.

ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ
/«Ташкентская правда»/
ОРГАН ТАШКЕНТСКОГО ОБКОМА КОМУНИСТИЧЕСКОЙ ПАРТИИ ЎЗБЕКИСТАНА И ОБЛАСТНОГО СОВЕТА НАРОДНЫХ ДЕПУТАТОВ

БИЗНИНГ АДРЕС:
700047, ТОШКЕНТ
ЛЕНИНГРАД
КЎЧАСИ, 32

